




ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни»
номи билан чиқа бошлаган

№ 13 (65889)
1996 йил, 28 февраль, чоршанба

Сотувда
эркин нархда

Тенгдошларинг ижоди



УЎҚИТУВЧИМГА

Нур егилар қўзларингиздан,
Маъно тула сузларингиздан.
Хурмат чексиз, эҳтиром чексиз,
Сизга, уғил-қизларингиздан.

Қуёш нури нигоҳингизда,
Замин меҳри, юрагингизда.
Уқитувчим — қалбим меъмори,
Ошиқаман ҳар дарсингизга.

Юракларга Ватан меҳрини,
Айлағайсиз пайваста дилдан.
Сиздан тондим, ҳаёт сеҳрини,
Сизга, Олқини покиза дилдан.



ТИНЧЛИК

Ўзбегимнинг осмонин
Тинч қуришдир истагим.
Ўзбегимнинг посбони
Мен — қуришдир истагим.

Ўзбегимнинг боласи
Олиму даҳо бўлсин.
Ўзбекистон юртимда
Шод юришдир истагим.

Утминга солсам нигоҳ,
Аждодларим аллома.
Келажагимда маёқ
Билимдонлик халқона

Таърифига тил ожиз,
Куйга, қушиққа солсам.
Бу камтар қизгинанинг
Овози ҳам шарқона

Наргиза БЕГИМҚУЛОВА,
Денов туманидаги Й. Охунбобоев
номили мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

Дарс туташига оз вақт қолганида синфга етакчи-
миз Дилафруз опа кириб келди. Биз билан салом-
лашғач, уз муддаосини айтди.

— Болалар, бир янгилик бор, мактабимизда
«Жонли бурчак» ташкил этилганини яхши била-
сиз. Мана шу «Жонли бурчак» миздаги жонивор-
лар сонини янада
қупайтириш мақса-
дида ҳар бир синфда
умумий ҳашар иш-
лари бошлаб юбо-
рилди. Албатта, бу
хайрли ишда сизлар
ҳам фаол қатнаша-
сизлар, — деган
умиддаман, — дея
сузини яқунлади Дилафруз опа.

Дарс тугагач, уйга келдим, укаларим Турсун-
бой, Нуржаҳон, Гулзода, Ботиржонлар билан бир-
галикда парваришлаб боқатган қуёнларимизни
қўздан кечирдим. Онамга қуёнлармиздан 3 дона-




**Биз ҳам четда
қолмадик**

сини мактабимиз «Жонли бурчак»га тошпирмоқ-
чи эканлигимни айтдим. Онам бажонудил рози
бўлдилар. Қуёнларимни укам Турсунбой билан
мактабдаги «Жонли бурчак» ташкилотчиларига
олиб келиб тошпирдик. Синфдошларим ҳам ким-
дир қафасдаги қўшларини, кимдир боқатган жужа-
ларини олиб келишди. Ҳатто типратикан ҳам тутиб

келиб мактаб
«Жонли бурча-
ги»ни янада бойи-
тишди. Эртаси ку-
ни тонгда булади-
ган мактаб йиғили-
шида бизнинг 2 «А»
синф ўқувчилари
номи алоҳида тил-
га олинди. Бу хайр-
ли ишга уз улуши-
ни қўшганлар рўяхати ўқилди. Рўяхатда менинг
ҳам номим бор эди...

Қахрамон ЗОКИРОВ,
Андижон вилояти, Шахрихон туманидаги
мактабнинг 2 «А» синф ўқувчиси.



МУСИЧА

Кукулайди тонгда мусича
«Қуёш қизир,
Кунлар исир,
Келар гулбахор!»

Кукулайди тонгда мусича:
«Кулар гуллар,
Булар диллар
Гулдай бахтиёр!»

Мусичажон садоқатли қуш,
Саодатли, саховатли қуш
Қиш-қировли кунларда ҳам у
Учиб кетмас,
Қучиб кетмас,
Мусичажон садоқатли қуш!

**КЕТИБ ТУРИНГ
ЯМЯКИ!**



Шокир ака бугдой тула қопларни аравага жойлади-
да, Пирмамат тегирмончиниқига отланди: «Бугун
бир бугдойимни ун қилдириб келай».

— Пирмамат, ҳой Пирмамат, уйдасиз?
— Дадам уйда йўқ эдилар, — деди Дилфуза Шокир
акага пешвоз чиқиб, — эрта билан бозорга тушиб
кетгандилар.

— Эҳ, аттанг... — бош чайқалди Шокир ака.
— Тегирмонга бугдой олиб келганмидингиз? Узим
янчиб бера қолай. Шокир ака қизчадан бундай жавоб-
ни кутмаган эди чоғи биров гангиб қолди:

— Сен-а, қандай қилиб? — сўради инюн-
кирамай.

— Дадамдан урганиб олганман. Қоплар-
ни олиб келавринг. Дилфуза шундай де-
ди-да, чаққонлик билан ишга киришиб
кетди. Орадан ҳеч фурсат утмай бошқоқла-
ри булик-булик бугдойлар оппоқ унга
айлана бошлади. Кичкинагина қизчанинг
қилаётган ишдан ҳайратланган Шокир
ака: «Раҳмат сенга, тегирмончи қизим!»
дея елкасига қоқиб қўйди.

— Келиб туринг, амаки, — деганча Шокир акани
кузатиб қўйди Дилфуза.

Шу воқеа сабаб бўлди-ю, Қарши туманидаги Г.
Ғулом номи 24-мактабнинг 4 «А» синфиди ўқиёт-
ган аълочи, жамоатчи, одобли қиз Дилфуза Жура-
еванинг фазилатлари енига яна бири — меҳнатсевар-
лиги ҳам қўшилди. Тегирмончи қизнинг беминнат
ёрдамидан ҳамқишлоқлари шод бўлиб, «ота-онанг-
га, таълим берган устозларинга раҳмат!» дейиш-
моқда.

Худойберди НАЗАРОВ,
Қарши туманидаги 24-мактаб.

ЯХШИЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ

Ота авлодимдан булмиш марғилонлик Зулфинисо момо икки қават кўзойнак остида те-левизорга тикилганича тек утирарди.

— Ачам нечук кино томоша қилиб қолдилар? — дея менга ишора қилди набираси Мумин-жон уз шевасида.

Момо эса ҳеч кимга парво қилмасди. Негаки, «Гуноҳ» фильмидаги воқеалар уни тамо-ман узига ром қилиб олганди.

— Ҳа, йигитгининг уволи тутгур, енгилтак қиз-а, ҳали уни куйасига учрайсан, шошма! — тилга кирди деярли шивирлаб ача.

Орадан анчагина вақт ўтган-да буви бир нарсга ёдига тушган-дай қизини чақирди:

— Фазилатхон, хо Фазилатхон! Эсингдами, ҳалиги Тош-канга борганимизда бизга ер-дам берган бола? Газетадаги? Нигорани ушанинг олдига олиб борувдик. Иسمى, ҳа, исми Ҳа-миджон эди шекилли. Уша, худ-ди ушанинг узи-я, анови артист бола.

— Бувижон, бу йигитнинг ис-ми Фотиҳ, Фотиҳ Жалолов, Ҳамиджон деганингиз ҳозир ол-миш ёшларга бориб қолган бул-са керак. Бу йигит бошқа. Ле-кин жуда ухшаркан...


Мен она-боланинг суҳба-тидан ҳақиқатан ҳам бундан ўттиз йилча аввал Тошкентда, «Ле-нин учқуни» редакциясида масъ-ул котиб бўлиб ишлаган Ҳамид Жалолов ҳузурида бўлишгани, кинодаги артист йигит, яъни у кишининг учинчи фарзанди Фо-тиҳжон уларнинг ёдига ўтмиш-даги бир воқеани туширганини сезиб турардим.

...Ушанда ўқувчи Нигора-нинг онаси Фазилат опа, буви-си Зулфинисо хола Навоий ку-часида жойлашган «Ленин уч-қуни» газетаси редакциясига ки-риб боришади. Редакция жойлашган бешта каттакон хо-нада негадир бошқа ходимлар куриномасди. Улар қабулхонага кираверишдаги чап эшикни очишганда турда бир йигит — Ҳамид Жалолов алланималар ёзиб утирарди.

Келганлар Ҳамиджонга жаж-жи Нигоранинг шеър ёзишга қизиқиши катталигини айтиб, қалингина дафтарни узатишди. У шеърларни синчковлик би-лан ўқиб чиққач, Нигорага қа-раб деди:

— Шеърларинг анчагина ду-руст, лекин ҳали жуда кўп машқ қилишинг керак экан қи-зим...

— Мен ундан дафтарни қайта-риб олаётим, — хотирлайди Фа-зилат опа, — Хотин-қизларнинг шикоятини қабул қилувчи маъ-кама қаерда эканлиги, турт фар-зандим борлиги, қайнонам, қайнотам билан чиқишолмаёт-ганим, шикоят қилиб ҳовлини



Ҳамид Жалолов — узининг 40 йилдан зиёд ижодий фаолиятининг кўп қисмини болалар учун мақола, очерк, ҳикоя ва қиссалар ёзишга бағишлаган, ишда ташаббускор, камтар, ҳушмуомала, узига ҳам, бошқа-ларга ҳам талабчан инсон. Ўзбекистон ёзувчилари ва журналистлари уюшмалари аъзоси. Ёзувчининг «Юл-дузли кўчат», «Йўқолган кўприк», «Влтава соҳиллари-да», «Сирли сандиқ» сингари унга яқин китоблари, «Робинзон Крузонинг саргузаштлари», «Алвидо, нуқра ёмғирлар!», «Неча ёшдасан, комиссар?» каби йигирма-дан зиёд таржима романлари, қиссалари, сахна асарлари болаларнинг энг севимли адабиётларига айланган.


— У заҳматкаш қаламкаш, иқтидорли ёзувчи, тажри-бали журналист — истиснодди таржимон, — дейди Республикада хизмат кўрсатган журналист Ҳакимжон ака Пирмуҳамедов. — Феъл-атворида ҳозир ҳам бола-ларга хос мўмин-қобиллик, тўғрилиқ, мулоимлик сақланиб қолган. Шу туфайли гоҳо уни «Бола ака» дегимиз келади.

бўлиб олмакчи эканлигим ҳа-қида гапирдим. Қизим ўнғайсиз-ланиб ерга қаради, онам ме-нинг гапимни тасдиқладилар. Шунда у мендан анчагина ки-чик ёшда бўлса ҳам маслаҳат берди. Нигорани ташқарига чи-қариб юбориб, аям иккимизга сирли оҳангда деди:

— Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни Тошкентга — «Ленин уч-қуни» редакциясига бораман, — тушунтирди устоз. — Агар кимки шеър, ҳикоя, хабар, лав-ҳа ёзишга қизиқса мен билан бориши мумкин. У ерда ўзлари-

учун кадрдон бўлиб қолган Ян-гийўлдаги 15-мактаб ўқувчила-ри билан хайрлашадиган вақти ҳам етиб келди, яъни болалар билан ишлаган вақтиданок ўзи-нинг иқтидори, умидли қалами билан болалар журналистлари

Болаликка содиқ инсонлар



— Нигоранинг жуда ноёб қо-билияти бор экан, келгусида каттакон шоира бўлади. Сиз-лар жанжалланиб, идорама-идо-ра юрсанглар, қизингизнинг ке-лажагини йўқ қилган бўласиз. Ундан кура уйингизга бори-нг, уларга ялиниб бўлса ҳам яра-шиб олинг.

— Биз ҳангу манг бўлиб, бир-биримизга қарадик.

Ҳамид ака шундай деб Ниго-ранинг дафтарини яна қайта-риб олибди.

— Уйга келиб қизимнинг ўқи-ши, ишларига аҳамият бера бошладим. Жанжаллар унутил-ди. Оиламиз яхши бўлиб кетди. Фарзандларимни отаси билан бирга тарбияладик. Нигора-нинг анча-мунча шеърлари ша-ҳар газетасида босилди. Ҳозир бола-чақали. Ҳаёти тинч.

Уша вақтда қизимнинг шеър-лари яхши бўлмаса ҳам, мени унинг тарбияси билан чалғи-тиб, болаларимнинг етим бў-либ қолишига йўл қўймаган экан. Онам шуни сира унутол-майдилар.

КЎЗ ЁШ-ЛА АЙТДИЛАР: «ОМОН БЎЛИНГИЗ»

— Мактаб радиоузелидан га-пирамиз! Бош етакчи Ҳамид ака бадиий ижод билан шуғулланиш-ни истаганлар, фаол ўқувчилар-ни уз хонасига таклиф этади-лар.

Дарслар тугаши билан ра-диоузелдан янграган бу хабар йигирмага яқин ўғил-қизни етак-чи ҳузурига жам қилди.

га ухшаш тенгдошларига ёзган-ларини ўқиб беришади, бирга-лашиб муҳокама қилишади. Бу — бир. Иккинчидан — ички ҳаяжон билан давом этди Ҳа-мид ака. — Республикада би-ринчи бўлиб бизнинг мактабда пахтачилик бўйича ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси туз-моқчимиз. Фикримни ёшлар Марказкумидагиларга айтган-дим, маъқул топишди.

Болалар бу гаплардан ҳаде-май ўз ҳаётларида олашумул, қизқарли ва ҳаяжонли воқеа-лар юз беришини сезиб тури-шарди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай шундай кунлар бошланди. Ке-ласи йилларда ўқувчилар ўзла-рига ажратиб берилган ердан мул пахта ҳосили етиштирди-лар. Улар мазкур ҳосилни Рос-сия туқимачиларига юбориш та-шаббуси билан чиқдилар. Газе-талар, радио-телевидение ян-гийўлликларнинг республикада-ги барча мактаблар фаоллари ва меҳнат билан шуғулланиш-ни истаган ўқувчиларга муро-жаатномасини эълон қилди. Улар ҳақда, лавҳа, очерклар пайдо бўлди. Ташаббус кенг ейилди. Пахта орғилган эше-лонлар 1958 йил майида Ле-нинград ва Иваново шаҳарлари томон жўнади.

Бу ишларнинг барчасини бо-шида Ҳамид Жалолов турарди. Ниҳоят Ҳамид аканинг ўзи

орасида танилиб қолган Ҳамид акани газетга ишга таклиф этишди.

— Сизни сира жўнатгим йўқ, лекин келажагингизни ўйлаб рухсат беришга мажбурман, мактаб ҳувиллаб қолади-да, ле-кин болаларга ўзингиз тушун-тирасиз, — деди директор аф-сусли қиефада.

Ҳамид ака директорни тушу-ниб турарди. Шоир Акмал Пулатнинг иниси булмиш бу киши ижодкорлар, айниқса ёш ижод аҳлини яхши кўрарди.

Хайрлашадиган кун ҳатто куйи синфдаги кичкинтойлар ҳам залга тушган эди.

— Мактабдан кетсам ҳам тез-тез келиб тураман, сизлар ҳам бориб турасизлар, ҳуллас, ало-қани ўзмаймиз, — сўнгги сўзни айтди етакчи.

— Майли қаерда бўлсангиз ҳам омон бўлинг, биз эсингиз-дан чиқмасак бўлгани, — дейиш-ди болалар. Шу тобда уларнинг қузида ёш ҳалқалари пайдо бўл-ганди.

Редакцияда дастлаб иш бош-лаган вақтларда Ҳамид Жало-ловга Ҳайдарали Ниёзов, Су-роб Йўлдошев, Абдулазал Ваҳобов ва бошқалар устозлик қилишган бўлса, кейинчалик ўзининг ҳам шоғирдларидан иқтидорли журналистлар, тар-жимонлар, ноширлар етишиб чиқди.

Ўтган 40 йил муддатда Ҳамид ака «Ленин учқуни»да адабий ходим, булим мудри, масъул котиб, сал кейин болалар ва ёшлар нашриёти «Ёш гвардия» (ҳозирги «Камалак») да тахри-рият мудри, бош муҳаррир уринбосари вазифаларида иш-ладилар. Улар ўзбек ўқувчила-рини чет эл ва собиқ СССР халқларининг йигирмадан ор-тиқ ёзувчилари асарлари билан ўзбек тилида таништирдилар. Пойтахт ва вилоят театрларида у таржима қилган тарбиявий аҳамиятга эга булган сахна асар-лари қўйилди. Айни дамларда Ҳамза номидаги академик дра-ма театрида Америка драматур-ги Жон Патрикнинг «Эҳ, кам-пирни гумдон қилсакмикан?» комедияси унинг таржимасида қўйилмоқда.

Ҳозирги кунда Ҳамид ака юридик адабиётлар нашриёти — «Адолат»да бош муҳаррир-лик вазифасини бажармоқда. Бу билан мамлакатимизда ҳуқуқий адабиётларни вуҷудга келти-риш, тарғиб этишда жонкуяр-лик курсатиб, ёшлар тарбияси-га мудом ўз ҳиссасини қўшиб келяпти.

Устознинг умр йўлдоши Му-ҳиба опа ҳам узоқ йиллардан буён боғчада тарбиячи, тўнғич фарзанди Моҳийда болалар ши-фокори, Фаррух — иқтисодчи, Ташқи иқтисодий алоқалар ва-зирлиги тармоғида ишлайди. Фотиҳжон — Ҳамза театри ак-тери, Дилшод — Молия вази-рлиги матбуот маркази бошли-ғи.

— Тонг юлдузи»га ўша, успи-ринлик йилларимдан бажони-дил обуна бўлиб келмоқдаман. Чунки у менинг кадрдоним. Кейинги вақтда қувонишим-нинг сабаби республикада яго-на булган болалар газетаси дав-лат тасарруфига олингани. Яна аввалгидек ҳафтада икки маро-таба, рангли тарзда чиқаётгани бўлмоқда. Кейинги вақтда ма-териаллар мазмунини яхшиланиб, макети хилма-хил бўлиб борапти.

Болалар ҳаёти, мактабларда олиб борилаётган ишлар, ўқув-чилар техник ижодиёти мар-казлари, ўқувчилар саройлари-да кечаётган ҳаёт, болалар мат-буоти жонкуярлари ҳақида ҳи-коялар берилса яхши буларди. Ёш спортчилар ҳаёти ҳақида кўп-роқ ёзинглар. Айтгандай, Қува-да болаларни чавандозликка ўр-гатиш мактаби очилибди....


Биз болаликка содиқ инсон-лардан яна бири — Ҳамид Ка-римович Жалолов ҳақидаги ҳи-коямизни яқунлар эканмиз, у кишига соғлиқ, ижодий ишла-рига ривож тилаймиз.

Турсуной ҲАМИД қизи.



• Дунё таниган юлдузлар ҳақида

МАЙК ТАЙСОН — МАЛИК АБДУЛАЗИЗ



Бундан ўттиз йил муқаддам, яъни 1966 йилнинг 30 июнида Нью-Йоркнинг Бруклин туманида 3 килограмму 600 грамм оғирликда қора танли чақалоқ туғилади. Ундан келажакда оддийгина куча безориси чиқиши мумкин эди. Ҳаётини ураб турган шароит бунга сира монелик қилмасди. Лекин тақдирнинг бахтли тасодифига биноан у ҳозирги даврда дунёга машҳур боксчи бўлиб етишди. Бу уччала халқаро бокс федерацияси тан олган, мутлақ чемпион Майк Герерд Тайсон бўлади.

36 ёшли Лорна Смитнинг оиласида учинчи фарзанд бўлиб туғилган чақалоққа Майк (инглизчасига йигитча дегани) деб исм қўйишади. Майкнинг отаси ҳали у туғилмасданок ташлаб кетади ва у угай отаси Песел Тайсоннинг фамилиясини олади. Тайсонлар оиласи бошқа қора танли оилалар каби муҳтожлик ва камбағалликда яшайди. Муштипар Лорна Смит бош фарзанди Родней, қизи Денис ҳамда кенжатоғи Майкни боқаман, оёққа турғазаман деб узини утга ҳам, чуққа ҳам ураверади. Нью-Йоркнинг жуда кўп туманларида ижарада яшашди. Айниқса, улар узоқ вақт истиқомат қилган Браунсвилл тумани узининг кун

римсизлиги, хароблиги билан ажралиб турарди. Бундай бепартиб масканда эса бола тарбияси, ахлоқ-одоби ҳақида гапириш ортиқчалик қилади, албатта.

Кичкина Майкнинг ёшлигидаги энг яқин дўстлари каптарлар бўлган. У уззу-кун том-том сакрашдан, осмонга боқиб каптарларнинг қанот қо

очиб қўшларнинг 25 тасини бўғиб улдиради. Ит бу ишни очликдан эмас, балки оддий уйинқароқлик билан амалга оширгани ҳаммага маълум. Бундай хунрезликни кўрган Майкда шу дақиқадан бошлаб итга нисбатан нафрат пайдо бўлади.

Ёшлигида у ута кўрқоқ ва ҳимоясиз бола бўлган. Уни



қишишни кузатишдан чарчасмасди. Тинчлик элчилари касал бўлиб қолса ёки тухум босиб ётган кезларида Майк томдан тушмай уларни қуриқлаб чиқарди. Совуқ кунлар бошланганида у каптарларни уйига олиб келиб боқарди. Укасида бир қадам ажралмаган Денис ҳам бориб-бориб бу ажойиб қўшларни севиб қолади.

Кунларнинг бирида Майк оғир жудоликни бошидан кечиради. Яъни уларнинг ҳовлисида Киллер лақабли ит яшарди. Каптарлар уй шароитида боқилаётган совуқ кунларнинг бирида Киллер қарас эшигини тумшуги билан

нафақат узидан катта болалар, балки тенгдошлари ҳам калака қилишдан эринишмасди. Ҳатто қизлар ҳам бу ношуд болакайга қитмирлик қилишарди. Лекин кунларнинг бирида безори йигитчалардан бири унинг кўзи олдида каптарининг бошини узиб ташлаганида, Майк ўсмирнинг узидан катта эканлигига ҳам қараб утирмади. Уни бир зумда дўппослаб, билакларини тишлаб олди. Ана шу дақиқаларда ёш Майкда жанговарликка, ноҳақлик устидан галаба қозонишга илк иштиёқ туғилган бўлса керак.

Тез орада Майк уз кучасининг «қаҳрамони»га айланди.

У энди унгу сўлига, дўсту душманига қарамай, ҳаммани баравар дўппослайверарди. Кўз очиб юмгунча «қаҳрамон» Браунсвиллнинг энг моҳир чўнтак кесарига айланади-қолади.

Ўн-ун бир яшарлик даврида Майк қўшнисидан тортиб, бировнинг ҳамёнигача угирликка тушадиган безорига айланиб қолганди. Ун тўққиз ёшга тулгунча у полициячининг тузоғига қирқ мартадан ортиқ илингандир!

1979 йилда, яъни «қаҳрамонимиз» ўн уч ёшга тулганида уни Жонстаун туманида жойлашган «Трайен Реформ» махсус мактабига олиб келишади. Бу махсус мактаб 17 ёшгача бўлган қонунбузарларнинг ахлоқ тузатиш колонияси эди. Бахтли тасодифни қарангки, Майк Тайсон худди мана шу ерда илк бор бокс олами билан танишиш шарофига муяссар бўлди. Бу урушқоқ шум болани жисмоний тарбия муаллими Боб Стюарт пайқаб қолади.

Боб Стюарт собиқ профессионал боксчидир. Майкка дастлабки бокс техникасини ургатган ҳам у бўлади. Машгулотлар пайтида кўринадикки, шум боладан келажакда кучли муштлашувчи чиқиши мумкин. Шунинг учун Стюарт Майкни етмиш ёшли бокс устаси Кусд Аматаонинг қўлига топширади.

1986 йилнинг 22 ноябрига

ча бокс оламида оғир вазнлилар орасида энг ёш жаҳон чемпиони Флойд Паттерсон ҳисобланарди. Шу санада, яъни 22 ноябрь, шанба куни Лас-Вегас шаҳри янги, ёш жаҳон чемпионини қўтлайди. Бу — Тревор Бербикни мағлубиятга учратиб, ундан жаҳон чемпиони унвонини олиб қўйган Майк Тайсон эди.

1980 йилларнинг охирида Майк Тайсон қамалади. Утган 1995 йилда у яна рингга тушди. Қамоқхонада ҳам машгулотларни тарк этмаган Тайсон уз рақибини 92 секундда нокаутга жўнатиб, яна жаҳон чемпиони унвонини олишга муваффақ бўлди.

Маълумки, Тайсон узининг ҳурматли устозларидан бокс буйича собиқ жаҳон чемпиони Муҳаммад Алини билади. Шунинг учун унинг даъвати биланми ёки узига инсофу тавфиқ берилдими, ҳарқалай Майк Тайсон ҳам ҳозир мусулмончилиқни қабул қилган. Айни вақтда у жаҳонга машҳур боксчи — Малик Абдулазиз бўлади.

Нодир АЛИМОВ
тайёрлади.

СОҒ ЮРАК — ТОҒ ЮРАК

Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Рафиқ ака Турсунов шогирдлари ҳаракатида аллақандай пассивликни сезди-ю, гап бошлади:

— Спортда ҳеч қачон киши узига ортиқча ишониб, машқ қилишни пайсалга солиши яхши эмас. Қанча такрорлаш бўлса зарар қилмайди. Аксинча, галабани бой бериш мумкин.

Болалар мураббийнинг нимага ишора қилаётганини дарров англашди. Сергак тортиб, машгулотни бошлашди. Ахир машқ — галаба калити-да.

Юнусобод туманидаги 117-мактабда юқоридаги каби спортни сеувчи болалар кўплаб топилади. Уларнинг бу фазилатлари туман мактаблари ўқувчилари уртасидаги беллашувларда голиб чиқиш имконини бермоқда.

Суратда: устоз ва шогирдлар.

Р. АЛЪБЕКОВ олган сурат.



Хаво тусатдан айниди. Гарбдан қуйилиб келган қора булут шаҳар устини бир зумда қоплаб олди. Боягина чарақлаган ёруғлик дарахт шохчалари, катта-катта иморатлар орасига яширингандек элас-элас куздан ғойиб бўлди. Қалқиб-қалқиб келган шамол бирдан уввос тортиб ер бағрини ёриб ута бошлади. Дарахтлар аввалига унга қаршилиқ кўрсатгандек талмовсирашди. Кейин дод солиб, борлиқлари билан фарёд уришди. Шамол уларга қасд қилгандек новдаларини синдириб, илди-пилдизлари билан кўпругдек важоҳат қила бошлади. Сим ёғочлар силкиниб-силкиниб, электр симлари лопиллаб-лопиллаб ваҳимали овоз чиқарарди. Булар шунчалик тезлик билан руй бердики, Наргиза кўрқиб кетди.

Шошиб-шошиб елдек учиб кетаётган машиналарнинг гилдираклари секин айланаётгандек, йуловчилар ҳам секин қадам ташлаётгандек туюла бошлади. Аслида ундай эмас эди. Наргиза бунақасини сира кўрмаганди. Ҳар гал у машинанинг орқа уриндигига яхшилаб ўтириб, дам дадаси утирган уриндикни ушлаб, тўғрига қарар, дам ойнасидан атрофни томоша қилиб борарди. Бу гал у омонатгина утирди. Осмон бирдан ёришиб, чарсчурс қилиб кетди. Кейин даҳшатли гўмбурлаган овоз эшитилди. Бу овоз нақ уларнинг тепасидан келди. Худди машиналари устига ҳарсанг тош тушгандек зирқираб кетди. Дадаси ҳам чўчиб тушди. Тормоз берди, машина юриши секинлашди. Осмон яна гўмбурлади. Наргиза бу гал чўчимади. Бир зум ичида ҳаммаёқни хас-чўп, тузон тутиб кетди. Визиллатиб ҳайдаб бораётган дадаси машинани четта олишни ҳам, ё юришни давом эттиришни ҳам билмай қолди. Наргизани мана энди ваҳима босиб кетди. Бувижониси дадасига, машинага чиқишингдан олдин доим «Лийлафи қурайишин»ни ўқигин, хавф-хатардан асрайди, дердилар. Дадаси ҳойнаҳой шу сурани ўқимаган бўлса керак. Сурамоқчи бўлди-ю, ботина олмади. Йулдан чапигиттиси келмади. Энди, албатта, унинг ўзи ҳам урганиб олади. Қийин бўлса ҳам урганиб олади. Шундай бўлса-да, бувисидан урганган сўзини айта бошлади: «Ўзинг асра, ўзинг асра».

Куча тузонга тулиб кетди. Катта йулдан бувиси яппайдиган куча томон бурилишганда шунақанги шаррос бошландики, Наргиза эшикни маҳкам ушлаб олди. Деразадан оқиб тушаётган сувнинг шиддатли парчалари машина ичига ҳам кириб кетарди. Олдидаги йул унча кўринамаса-да, урганган жойи булгани учун дадаси бир амаллаб машинани яна унга буриб олди. Тор кучанинг икки ёнидаги иморатларнинг тунукаларидан сув ҳайқириб турарди. Тарновлари дош беролмай қолганди. Тор кучанинг икки четидagi ариқчалар аллақачон тулиб, асфальт устларида халқоб-халқоб сузарди.

Дадаси машинани бир амаллаб эшиккача олиб бориб тухтатди. Апил-тапил пастга тушиб, катта дарвозани очиб юборди. Тезда яна рулга утириб, машинани усти болахоналик йулакка олиб кирди. Шундагина Наргиза ўзини сал қуйиб юборди. Хаёлида бутун борлиги бир нуқтага жо бўлгандек, жунжикиб, чўчиб турганди. У машинадан тушди. Дадаси уриндигига ташлаб қўядиган сочиқни олиб берди. Наргиза уни бошига ёпиб ҳовлининг четига отилди. Бувиси турадиган уйи томон югурди.

Уйга киргунча шалаббо бўлиб кетди. Деразадан улар келаётганини кўрган бувижониси «Болаларим тушмагуре», — деб ачинганича ўрнидан қўзғалди. Эшикни очишга ҳам сабри чидамай, деразадан: «Эҳтиёт бўл, сирпаниб кетма» деб тайинлади. Набираси ичкарига кириши билан устидан жиққа хўл сочиқни олиб, қозиққа ташлади. Шкафдан катта шол рўмолини олиб унга уратди. Урнига ётқизиб, устига кўрпа ташлади. Наргиза совқотиб дир-дир титрай бошлади. Эшикдан кириб келган ўғлининг саломига алик олди-да, «укангнинг қўйла-

БИЗНИКИГА



ЮРАҚОЛИНГ

гини кийиб ол, дарров ечинақол» деди. Ўзи айвондан утиб газга чой қуйиб юборди. Кеча келини тансиққина деб «ажабсанда» қилган эди. Иситиб юборди. Ўғлининг уринманг, дейишига қарамай, хонтахта устига топган-тутганини қўйди. Дарров набирасига мураббо чой қилиб берди. Чойни ичгач, Наргизанинг титроғи босилди. Танасига иссиқ югурди. Ўрнидан туриб, бувисини маҳкам кучоқлаб олди.

— Бувижоним, ўзимнинг бувижоним!

Наргиза бувисининг у юзидан ўтди, бу юзидан ўтди. Сираям қуйиб юборгиси келмади. Негадигини ўзи ҳам билмайди. Нуқул боғчалигида айтган қушигини айтгиси келарди.

«Оқ пахтадек сочингиз

Омон бўлсин бошингиз.

Айтақолинг, бувижон,

Ҳозир қанча ёшингиз?»

У қушиқ қилиб айтмади-ю, лекин бувисининг қулоқларига пичирлади: «Оқ пахтадай сочингиз...» Бувижониси уни бағрига олиб, пешонасидан ўтди: «Илойим, бахтли бўлгин, ота-онанг роҳатингни курсин».

— Мен ҳам роҳатингни кўрай, денг, жон бувижон, — негадир Наргизанинг овозида ҳазинлик пайдо бўлди-ю яна бувисининг бағрига тикилди.

— Роҳатингни кўрай, асалим.

Наргиза чуқур хурсиниб, қаддини росталади, Сунг тусатдан:

— Бизникига борасиз-а? — деди кўзларини жовдираиб.

Бувиси набираси нега кутилмаган саволларни бераётганига ҳайрон бўлиб, уни елкасидан тутиб ўзидан сал узоқроқ қилди-да, юз-кўзларига қаради. Наргиза кеча кўрган Наргиза эмас, дардли, мурғак, юрагини нимадир эзаётган, қарай-қарай бувисига туймаётган, сал ортиқча бирор нарса дейилса, дув этиб кўз ёшлари тўкиладигандек эди. Бувижониси ҳеч нарсага тушунмай, ўғлига қаради. Ўғли жилмайибгина қўйди.

— Ойинг ургилсин, нима бўлди ўзи?

Наргиза ҳеч нарса деёлмай энтикиб қўйди.

— Ростингизни айтинг, бизникига борасиз-а?

— Бораман, болам, бораман.

Наргиза хонтахта четига ўтирди. Чой қуйиб бувижонисига узатди. Бувижониси дам ўғлига, дам набирасига қараб ҳайрон буларди.

— Нима бўлди, болам?

Наргиза ҳеч нарса деёлмай тураверди. Охири дадасининг ўзи сўз бошлади.

— Уртоғи Дилафруз бор-ку, ушанинг ойиси бувиси билан уришиб қолишибди. Бувиси хафа бўлиб, бошқа ўғиллариникига кетиб қолибди. Бу уйни елкамининг чуқури кўрсин, дебди. Дилафруз бувисига ялиниб-ёлборса ҳам, қолмабди. Шуни уртоғи Наргизага йиглаб айтиб берибди. Елкамининг чуқури кўрсин, дегани нима дегани, деб мендан суради. Тушунтириб берувдим, анча уйланиб қолди. Кейин бувимларникига олиб борасиз, деб туриб олди. Ойиси ҳам ҳайрон. «Олиб бора қолинг» деб у ҳам қўймади. Ўзининг ҳам келгиси келди-ю, кичкинантигизнинг мазаси йўқроқ эди.

— Ҳали шунақа денглар.

— Бувижон, биздан хафа эмасмисиз?

— Вой, қизим тушмагурей, ҳали шунақаларнинг тапвишини қилиб юрибсанми? Сенинг онанг топилмас келин, тили асал келин.

Наргизанинг бирдан чехраси очилиб кетди.

— Сизлар уришмасизлар-а?

— Худо асрасин.

Наргизанинг кўнгли бутунлай жойига тушди. Гарчанд ойиси ҳеч кимга ёмон муомала қилганини кўрмаган бўлса ҳам, бувижониси уларникига меҳмон бўлиб келганида, ҳурматини жойига қуйишини, ширин таомлар пишириб оғзига тутишини билса ҳам барибир бу гал бошқачароқ хотиржам бўлди.

— Бувижон, бизникига юрақолинг.

— Ўзи кечагина келдим-ку, — бувижониси чойдан хушлаб сўзида давом этди, — аммангникида кутишпшти, эртага келиб олиб кетишди.

— Юрақолинг, эртага дадам олиб бориб қўядилар-а, дадажон?

— Бўпти, сизлар келишиб олсангиз бас.

— Ҳозир олдиларингизга тушиб кетсам, амакинг хафа бўлади. Кеча келувдилар, бугун кетиб қолибдилар, демайдими? Шу вақт ичида ҳаво анча тиниб, осмон енгиллашиб қолганди. Бувижониси уларни кузатаркан, кўнглидан утказди: «Худога шукур, шунчалик азиз бўлганимга шукур. Илойим ҳар бир бандани мўмин ҳам қариган чоғида шундай азиз бўлсин».

Яйра САЪДУЛЛАЕВА.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАМИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ.
Буюртма — Г-077.
Қозғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти
19.00
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Телефон:
• 33-44-25